

## Жума намози учун покиза кийим кийиш



04:45 / 06.09.2024 4618

*Абдуллоҳ ибн Салом розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг жума куни минбарда туриб: «Жума куни учун меҳнат кийимидан бошқа икки кийим сотиб олсангиз, қандай яхши бўлар эди», - деганларини эшитдим».**

*Ибн Можа ва Абу Довуд ривоят қилишган.*

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга Ямандан «ҳибара», яъни чизиқли матодан тикилган яманча чопон келтирилган бўлиб, уни алоҳида муносабатларда, жумладан, жума кунлари кияр эдилар. У зот қабзи руҳ қилинганларида, ўша чопон билан муборак юзларини беркитадиган қилиб ўраб қўйилганлар.

**“Жума ҳақидаги оят ва ҳадислар” китобидан**